

МАВЗУ: *Солиқларнинг
иқтисодий моҳияти ва
тузилиш асослари*

РЕЖА:

1. Солиқлар ва солиққа тортиш махсус курсини ўқитишнинг зарурияти ва предмети.
2. Солиқларнинг пайдо бўлиши, моҳияти, зарурлиги ва ўзига хос белгилари.
3. Солиқ элементлари ва солиққа тортиш тамойиллари.
4. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
5. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.-Адолат 2008. 278-286 модда, 287-294 модда. 256-268 б.

3. Ergasheva Sh.T., Xodjimuhamedova Sh.I., Ismaylova S.S. Soliqlar va soliqqa tortish. –Т.: 2010. 112 бет.

4. А.С.Жўраев ва бошқалар. Солиқлар ва Солиққа тортиш. Ўқув кўланма. Т. 2009. 84-90 б. 100-108 б.

5. www.lex.uz

6. www.soliq.uz

1. Солиқлар ва солиққа тортиш махсус курсини ўқитишнинг зарурияти ва предмети.

Бу курсни ўқитишнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти муносабатлари ичида солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади. Солиқ ва солиққа тортиш махсус курси солиқ воқелиklarини (ҳаракатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий хулосалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўллариини ўргатади.

Ҳар қандай фан ёки курс ўзининг предметиға эға бўлиши керак. Солиқ ва солиққа тортиш махсус курсининг предмети солиқ ҳаракатини ўрганишдир. Солиққа тортишда солиқ механизми ишға солинади. Унинг ҳаракатланиши пул муносабатлари орқали содир бўлади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқ ундирувчи (олувчи) давлат ўртасида бўлади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” махсус курсини ўқитишдан *мақсад* талабаларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилиш ва солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқ ҳамда мажбурий тўловларнинг ҳуқуқий асосларини, солиқ мажбурияти, солиқ назорати, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларға нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари бўйича билимларни шакллантиришдан иборатдир.

Махсус курс олдиға қўйилган *асосий вазифалар* солиқларнинг моҳиятини, уларнинг зарурлигини, солиқ элементлари ва функцияларини, солиқ сиёсатини, солиққа тортиш ва тўлаш тартибларини, хорижий мамалакатлар солиқ тизимларини, солиқ тизимининг назарий жиҳатларини ўргатиш ва амалий кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

2. Солиқларнинг пайдо бўлиши, моҳияти, зарурлиги ва ўзига хос белгилари

Солиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бевосита давлатчилик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши боғлиқ бўлиб, унинг сабаби сифатида шуни қайд этиш лозимки, давлатнинг мавжуд бўлиши, давлат харажатларини молиялаштириш заруратини намоён этади. Маълумки, давлатчилик муносабатларининг илк кўринишларидан тортиб ҳозирга қадар ҳам давлат харажатларини молиялаштиришнинг солиқлардан бошқа самарали механизми мавжуд эмас.

Милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудларида кўчманчилик шароитида, ўзлари учун қулай жой излаб юрган кўплаб уруғ ва қабилалар, ер майдонлари, сув, ўтлоқларни эгаллаш мақсадида курашиб келганлар, айрим ҳолларда эса ўзларидан кучлироқ, йирик қабилаларга ер солиғи, яъни ўлпон тўлаб турганлар.

Солиқ тушунчаси бу тор маънода давлат ихтиёрига бошқалардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди. Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинadиган тўловлардир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагича таъриф берилган:

Солиқлар деганда Солиқ кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда Солиқ кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади



Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: *биринчидан*, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, *иккинчидан*, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Солиқларнинг функциялари

Фискал функцияси

Тартибга солиш функцияси

Рағбатлантириш функцияси

Назорат функцияси

3. Солиқ элементлари ва солиққа тортиш тамайиллари

Солиқ элементлари бир нечта тушунчалардан иборат бўлиб, улар таркибан:

Солиқ субъекти - солиқ тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар.

Солиқ агенти - юридик ва жисмоний шахслардан солиқни ушлаб қолиш ва давлат бюджетига ўтказиб берувчи юридик шахслар.

Солиқ объекти - солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки тушунилади.

Солиқ манбаи - бу солиқ тўловчининг тўлайдиган солиқлари манбаи, яъни даромади.

Солиқ предмети – солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти, давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти, солиқ тизими ва сиёсати, солиқ турларлари бўйича белгиланган имиёзлар тизими, солиқларни ҳисоблаш механизмининг амалдаги ҳолати тушунилади.

Солиқ базаси - солиқ объектининг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори.

Солиққа тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлиги. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб кв.м. ёки гектар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси - объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир. Солиқ ставкалари нисбий ва қатъий кўринишда бўлади.

Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

Солиқларни тўлаш муддатлари ва тартиблари. Солиқ қонунчилигида ҳар бир солиқ турининг бюджетга тўлаш муддатлари белгиланган. Солиқни тўлаш муддатлари ўз моҳиятига кўра икки хил кўринишга эга: *аванс (бўнак) тўловлари* ва *ҳақиқий даромад олинганидан кейинги тўловлар*.

Солиқ юки - солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларини йиғиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йиғиндиси ифодаланади.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида эса солиққа тортиш томайиллари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари деб аталиб, унинг олти принциплари (5-11-моддалар) белгилаб берилган.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги принципларига асосланади:

Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи - Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Ҳеч кимнинг зиммасига ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

Солиқ солишнинг аниқлиги принципи – Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак.

Солиқ солишнинг адолатлилиги принципи - Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلарни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлданлини мумкин эмас

Солиқ тизимининг ягоналиги принципи - Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципи - Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи - Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.



4. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиш босқичлари

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир.

Солиқ қонунчилигида солиқ тизими тор маънода талқин қилиниб, бир хил моҳиятга эга бўлган ва марказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизими деб тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизими умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Солиқ Кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади

Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
- 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
- 3) давлат божи;
- 4) божхона тўловлари;
- 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини *тўрт босқичга* бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йиллар - Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Солиқ ислоҳотларининг *иккинчи босқичи* солиқларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу давр 1995-1997 йилларни ўз ичига олади.

Солиқ ислоҳотининг *учинчи босқичи* 1998 -2004 йилларни ўз ичига олади. Бу босқични солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Солиқ ислоҳотининг *тўртинчи босқичи* 2005 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр. Бу босқични солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб қувватлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш даври деб аташ мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Солиқ сиёсати

бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир қисми бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусиятини эътиборга олиб солиқ сиёсати:

- солиқ сиёсати стратегияси; - солиқ сиёсати тактикасига бўлинади.

Солиқ сиёсати стратегияси - солиқ сиёсатининг узок муддатли йўналиши бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий стратегия белгилаб берган улкан масшабли вазифаларни келажакда бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган солиққа доир молиявий тадбирлар йиғиндиси дир. *Солиқ сиёсати тактикаси* эса белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгариб турувчи сайи-ҳаракатларни билдиради, яъни қисқа муддатли ва кичик масшабли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуаси - *солиқ сиёсати тактикаси* сифатида қаралади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш; амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизмни шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;

солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!!!**